
“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ЯНГИЧА ДУНЁҚАРАШ!”

Инсонни янгича ташаббус ва эзгу ғоялар сари ундовчи ушбу шиор остида бугун шахримиздаги 8-болалар Муסיқа ва Санъат мактабида бўлиб ўтган тарғибот тадбири юрт корига камарбаста бўлиш истагида юрган кишилар кўнглига чинакам маънавий озуқа бера олди.

Тадбирда республика Маънавият маърифат маркази раҳбари Минҳожиддин Мирзо, Тошкент Давлат Юридик университети ректори Раҳимжон Ҳақимов, Фарғона Давлат Университети ректори Равшан Мақсудов, вилоят ҳокими ўринбосари Файзулло Қосимов ҳамда Маънавият маърифат маркази вилоят бўлими раҳбари Хурсаной Исломовалар иштирок этди.

Унда сўз олганлар ўтказилаётган мазкур тадбир мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказиш, халқимизга хос азалий қадриятни аҳоли орасида тарғиб қилиш, халқимиз кайфиятини кўтариш, фуқароларда ислохотларга бўлган дахлдорлик туйғусини мустаҳкамлаш, меҳр-оқибат, шукроналик, миллий ва умуминсоний қадриятларни янада кучайтиришга хизмат қилиши билан аҳамиятли эканлигини мамнуният ила эътироф этиб ўтдилар.

Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов номидаги Ижодкорлар мактаби ўқувчилари ижросида янграган шеър ва куй-қўшиқлар жаранги иштирокчиларга кўтаринки кайфият улашди.

Марғилон шаҳар ҳокимлиги Ахборот хизмати

2020-11-10 18:02:22